

**“G’alla-Alteg” АЖ акциядорларининг навбатдаги 2024 молия йили якуни  
бўйича йиллик умумий йигилиши 1-сонли баённомаси**

**2025 йил 24 апрель**

**Тошкент шахри**

**Ўтказилган жой – Элбек кўчаси, 37 уй “G’alla-Alteg” АЖ мажслислар зали.  
Йигилиши бошланиши вақти – 10.00**

Акциядорлик жамияти Кузатув Кенгаши номидан Кузатув Кенгаши раиси И.Касимов сўзга чиқиб, акциядорларнинг навбатдаги умумий йигилишини очиш учун акциядорларни рўйхатга олиш натижаларини кўриш ва кворумни аниқлаб олиш зарурлигини айтди. Сўз ҳисоб комиссияси раиси О.А.Гафуровага берилди.

О.А.Гафурова 2025 йил 11 март ҳолатига ёпилган акциядорларнинг реестри бўйича навбатдаги умумий йигилишда қатнашиш хуқуқига эга бўлган 2 557 377 овозга эгалик қилувчи 664 та акциядор киритилганлигини маълум қилди. Ҳисоб комиссияси натижаларига кўра, ушбу йигилишга 1 317 269 дона овоз берувчи акцияларга эгалик қилган 15 та акциядор қатнашаётганини, бу умумий жойлаштирилган акцияларнинг 51,5% ини ташкил қилганини ва йигилишни очиш учун қонунчиликда белгиланган микдорда кворум етарлигини айтди.

Кворум мавжудлигини ҳисобга олиб, акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йигилишини очиш таклифи берилди ва овозга қўйилди.

Акциядорлар томонидан ушбу таклиф бир овоздан қабул қилинди.

Акциядорлар томонидан қуйидаги 3 кишидан иборат умумий йигилиш президиумини сайлаш таклифи берилди:

1. Кузатув Кенгаши раиси Касимов Илхом Хошимович.
2. Жамият Бошқарув раиси в.б. Донаев Шероли Бурханович
3. Баш ҳисобчи Мейлиев Акмал Норқўчкорович

Навбатдаги йиллик умумий йигилишини олиб бориш учун Кузатув Кенгаши раиси Касимов Илхом Хошимович, умумий йигилиш котибалигига акциядорлар томонидан Акромова Лобар Худайбергановнанинг номзодини тасдиқлаш учун таклиф киритилди ва овозга қўйилди. Акциядорлар томонидан умумий йигилиш раиси ва котибаси бир овоз билан тасдиқланди.

Йигилиш раиси – И.Касимов;

Йигилиш котибаси - Л.Акромова.

Кузатув Кенгаши томонидан саноқ комиссиясига қуйидаги номзодларни сайлаш таклифи берилди:

1. Гафурова Озода Акбаровна – ходимлар бўлими бошлиғи;
2. Халниязова Гулшода Сатимбаевна- ҳисобчи;
3. Мирзаходжаева Гулнора Шухратовна- ҳисобчи;

Акциядорлар томонидан очиқ овоз бериш йўли билан саноқ комиссияси таркиби бир овоздан тасдиқланди. Йигилиш раиси жамият Кузатув Кенгашининг 2025 йил 11 марта йигилиш қарори билан тасдиқланган қуйидаги умумий йигилишини кун тартибини ўқиб эшилтирди:

1. Умумий йиғилиш ишчи органдар таркибини сайлаш.
2. Саноқ комиссияси аъзолари сони ва таркибини сайлаш.
3. Умумий йиғилиш кун тартибини тасдиқлаш.
4. Умумий йиғилиш иш регламентини тасдиқлаш.
5. Жамият Бошқарувининг 2024 йил молиявий-хўжалик фаолияти ва Бизнес-режанинг бажарилиши бўйича ҳисботини ҳамда ишлаб чиқариш бошлигининг ҳисботини тасдиқлаш.
6. Жамиятнинг 2024 йил якуни бўйича йиллик ҳисботини тасдиқлаш.
7. Жамиятнинг 2024 йил молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш юзасидан Жамият тафтишчисининг ҳулосасини тасдиқлаш.
8. Жамиятнинг 2024 йил молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш юзасидан ҳамда жамиятда харидлар жараёнининг шаффоғлиги асослилиги, шу жумладан, маҳаллий махсулотларнинг сифат ва нарх бўйича белгиланган параметрларга мувофиқлигини ҳисобга олган холда импорт харидларини, шунингдек валюта ресурсларидан самарали фойдаланилиши тўғрисида аудиторлик ташкилотининг ҳулосасини тасдиқлаш.
9. Жамиятнинг 2024 йилдаги корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш юзасидан мустақил ташкилотнинг ҳулосасини тасдиқлаш.
10. Жамият Кузатув Кенгашининг 2024 йил якуни бўйича ҳисботини тасдиқлаш.
11. Жамият тузилмасини тасдиқлаш.
12. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2025 йил 5 марта 03-08-1-17/975-сонли хати тўғрисида.
13. “G’alla-Alteg” АЖ Бошқарув раисини тасдиқлаш ва ижро органдар таркибидан чиқсан аъзолари ўрнига янгисини сайлаш тўғрисида.
14. Жамият тафтишчисини сайлаш.
15. 2025 йил учун ташқи аудиторлик ташкилотининг хизматига тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш.

Умумий йиғилиш раиси кун тартиби билан йигилганларни таништирғандан сўнг, ушбу йиғилишни қўйидагича регламент билан олиб боришни ўқиб эшиттириди;

Йиғилиш раиси кун тартибидаги барча масалаларнинг ҳар бири бўйича 5 дақиқа, қўшимча сўзга чиқувчилар учун 3 дақиқадан 5 дақиқагача, ҳамда танаффус билан жами 1 соат 30 дақиқада йиғилишни тутатиш белгиланганлигини билдириб, кун тартиби, шунингдек иш регламентини тасдиқлаш таклифини берди.

Бюллетенларда берилган йиғилиш кун тартиби, иш регламенти ва саноқ комиссияси таркибини тасдиқлаш масалалари бўйича акциядорларга берилган бюллетенлар орқали очик овоз беришлари хақида тушунтириб ўтди.

Жамият фаолиятига боғлиқ масалалар юзасидан, яъни **бешинчи масала** Жамият Бошқарувининг 2024 йил молиявий-хўжалик фаолияти ва Бизнесрежанинг бажарилиши бўйича ҳисботини, ҳамда ишлаб чиқариш бошлиғи X.Холбоевнинг ҳисботи эшитилди. У 2024 йил давомида бизнес режа бўйича тегирмонда маҳсулот ишлаб чиқариш режаси 35,5 %га бажарилганини, омухта-ем ишлаб чиқариш режага нисбатан 51,6% бажарилганлигини билдириди. Жамият 2024 йил молиявий натижалари бўйича 13 107 058 минг сўм заарар билан якунланди. Ун ва омухта ем маҳсулотига бўлган талабнинг пасайиши ҳисбига ишлаб чиқариш тўлиқ кувватда ишламагани боис корхонанинг молиявий ахволи заарар билан якунланди.

Ишлаб чиқариш бошлиғи X.Холбоев ҳам ўз ҳисботида жамиятнинг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш жараёнларини ва ишлаб чиқариш технологияларини иш фаолиятини мунтазам равишда назорат қилиш билан бирга, жамият омборидаги бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмларни мунтазам равишда инвентаризациядан ўткизиш ишларини ташкиллаштириб, ишлаб чиқариш цехларининг дастгоҳлари учун талаб этиладиган бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар эҳтиёжи қондирилишини таъминлаб барча цех бошлиқлари томонидан тақдим этилган рўйхатга асосан жамият эҳтиёжи учун талаб этиладиган бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмларни маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан қонунчиликда белгиланган тартибда сотиб олиш ишларини ташкиллаштирганлигини маълум қилди. Жумладан 2024 йил давомида эҳтиёт қисмлар учун 197 496 минг сўм, қурилиш материаллари учун 214 543 минг сўм, бошқа инвентар ва хўжалик моллари учун 50 232 минг сўм, бошқа материалларга 117 391 минг сўм, ун маҳсулотига қўшиш учун витаминаларга 50 000 000 сўм маблағ сарфланган. Ушбу маълумотларни жамиятда жорий этилган 1С программаси базасига онлайн тарзда кунлик киритиб борилишини қатъий назоратга олганлигини айтиб ўтди.

Жамият Бошқаруви раисининг ва ишлаб чиқариш бошлиғининг ҳисботи, шунингдек бизнес-режа таҳлили илова килинади. Тасдиқлаш учун овозга қўйилди.

Кун тартибидаги бешинчи масала юзасидан овоз бериш натижалари:

т/р	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
5	1 317 269 (100 фоиз)	йўқ	йўқ

Кун тартибидаги **олтинчи масала** бўйича йиғилиш раиси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 102-моддасига асосан жамиятнинг йиллик ҳисботини 2025 йил 11 мартағи жамиятнинг кузатув кенгаши йиғилиши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланганлигини билдириб, 2014 йил 9 октябрдаги «Қимматли қофозлар бозори иштирокчилари томонидан ахборот тақдим этиш ва эълон қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 2383-сонли буйруғининг 2-иловаси асосида тўлдирилган жамиятнинг 2024 йил якуни бўйича йиллик ҳисботини йиғилиш қатнашчиларига таништирди. (2383-сонли буйруғининг 2-иловаси асосида тўлдирилган

т/р	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
7	77 214 (5,9 фоиз)	йўқ	1 240 055(94,1)

*Кун тартибидаги саккизинчи масала юзасидан сўз «MXXS BUSSINES GARANT AUDIT» МЧЖ аудиторлик ташкилоти аудитори А.Узоковга берилди. У «Galla-Alteg» АЖнинг 2024 йил молиявий хисоботлари тайёрланиши ва ҳаққонийлиги текширилиб, аудиторлик ташкилоти томонидан холисона тасдиқланганини ва ижобий ҳулоса берилганлигини, шунингдек жамиятнинг молиявий хисоботлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4720-сонли фармонига асосан XMXC (МСФО) асосида тайёрланганлигини ва жамиятда харидлар жараёнининг шаффошлиги асослилиги, шу жумладан, маҳаллий маҳсулотларнинг сифат ва нарх бўйича белгиланган параметрларга мувофиқлигини ҳисобга олган холда импорт харидларини, шунингдек валюта ресурсларидан самарали фойдаланилганлигини билдириб, йиғилиш аъзоларини ушбу хисобот билан таништирди. (БХМС ва XMXC асосида тайёрланган 2024 йил молиявий-хўжалик якуни бўйича баланс хисоботи ва жамиятда харидлар жараёнининг шаффошлиги асослилиги, шу жумладан, импорт харидлари ва валюта ресурсларидан самарали фойдаланилганлиги юзасидан берилган аудитор ҳулосалари илова қилинади. Иловалар №6, №7).*

Йиғилиш раиси томонидац «MXXS BUSSINES GARANT AUDIT» МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 2024 йил натижалари бўйича БХМС ва XMXC асосида тайёрланган ҳулосаси ва жамиятда харидлар жараёнининг шаффошлиги асослилиги, шу жумладан, импорт харидлари ва валюта ресурсларидан самарали фойдаланилганлиги юзасидан берилган ижобий ҳулосаларини тасдиқлаш таклифи берилиб, овозга қўйилди:

т/р	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
8	1 317 269 (100 фоиз)	йўқ	йўқ

*Кун тартибидаги тўққизинчи масала юзасидан жамият Бошқарув раиси Ш.Донаев Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4720-сонли Фармони, ҳамда “Акциядорлик жамиятларининг фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш Комиссияси”нинг 9-сонли йиғилиш баёни қарори билан тасдиқланган “Корпоратив бошқарув кодекси”ни 2016 йил 8 августдаги акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида жамиятга жорий этилганлигини маълум қилиб, 2024 йилдаги корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш юзасидан мустақил ташкилот сифатида Қимматли қоғозларнинг Марказий депозитарийси акциядорлик жамияти томонидан берилган ҳулосани акциядорларга ўқиб эшиттирди.*

Унга кўра Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизими даражаси ўтказилган баҳолаш натижаларига кўра 401 бални, яъни қониқарли деб эътироф этилганлигини маълум қилди. (Қимматли қоғозларнинг Марказий депозитарийси давлат корхонасининг хулосаси илова қилинади. Илова №8)

Йиғилиш раиси томонидан Қимматли қоғозларнинг Марказий депозитарийси АЖнинг 2024 йилдаги корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш юзасидан берилган ҳулосасини тасдиқлаш учун қабул қилиш таклифи берилиб, овозга қўйилди:

т/р	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
9	1 317 269 (100 фоиз)	йўқ	йўқ

Кун тартибидаги **ўнинчи масала** юзасидан Кенгаши аъзоларидан С.Убайдуллаев Кузатув Кенгашининг асосий вазифаларидан келиб чиқиб 2024 йилда амалга оширилган ишлар ҳақида қискача маълумот берди. Ўтган ҳисобот йили давомида акциядорларнинг 1 та умумий ва 7 та кузатув кенгаши йиғилишлари, шундан ҳар чоракда Бошқарувнинг жамият молиявий-хўжалик фаолияти ва бизнес-режанинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисботи, бухгалтерлик баланси ва молиявий кўрсаткичлари, ички аудит хизмати бўлими ҳисботи ва бошқа масалалар бўйича ҳисботларни кўриб чиқиб, маъқуллаган ва тасдиқлаганлигини ҳамда жамият Бошқарув органининг ҳар чораклик фаолиятини Вазирлар Махкамасининг 2015 йил 28 июлдаги “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги 207-сон қарорига асосан баҳолаб борганлигини билдириди. Шу билан бирга жамият Кузатув кенгашининг 2024 йил якуни бўйича ҳисботини тасдиқлаш таклифини бериб, овозга қўйди. (Кузатув Кенгаши ҳисботи илова қилинади №9).

т/р	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
10	1 317 269 (100 фоиз)	йўқ	йўқ

Кун тартибидаги **ўн биринчи масала** юзасидан йиғилиш раиси Жамият Бошқарувининг билдиришномасини ўқиб эшиттириди. Мазкур билдиришномада ишлаб чиқариш заруриятидан келиб чиқиб, ҳамда штатлар жадвалидаги бир қанча вакант лавозимларга эҳтиёж йўқлиги сабабли оптималлаштириш ва акциядорлик жамияти ташкилий тузилмасини уларнинг тармоқ хусусиятларини инобатга олган ҳолда, мувофиқлаштиришни сўраб мурожаат қилганликларини билдириди.

Йиғилиш раиси тегишли ўзгартиришлар киритиб ишлаб чиқилган жамиятнинг ташкилий тузилмаси билан акциядорларни таништириб, уни тасдиқлаш таклифини бериб овозга қўйди. (Жамиятнинг ташкилий тузилмаси илова қилинади №10).

т/р	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
11	1 317 269 (100 фоиз)	йўқ	йўқ

Кун тартибидаги *ўн иккинчи масаласи* юзасидан кузатув кенгаши раиси И.Касимов Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2025 йил 5 мартдаги 03/08-1-17/975-сонли хатини ўқиб эшигитирди. Ушбу хатда Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 18 январдаги тегишли қарорига асосан Тошкент вилоятининг Паркент туманида замонавий туризм обьектлари барпо этилишини жадаллаштиришга доир чора-тадбирлар белгиланган бўлиб, ушбу қарорга асосан тумандаги бўш ер ва фойдаланмай турган обьектлар негизида меҳмонхоналар, дам олиш масканлари ва кўнгилочар масканлар, хостеллар, кўп қаватли тураг жойлар ва бошқа туризм обьектларини барпо этиши белгиланган. Ўз навбатида “G’alla-Alteg” АЖ балансидаги “Паркент” ДҚҚШни хозирги кунда фойдаланилмай келинаётганини эътиборга олиб уни баланс қолдиқ қийматини қоплаб бериш шарти билан Давактив агентлигига топшириш масаласини белгиланган тартибда жамиятнинг тегишли бошқарув органида кўриб чиқилиши сўралган. (*Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2025 йил 5 мартдаги 03/08-1-17/975-сонли хати илова қилинади.*)

Жамият бош ҳисобчиси А.Мейлиев “G’alla-Alteg” АЖ балансидаги Паркент туманида жойлашган “Паркент” дон қабул қилиш шаҳобчаси юқори ташкилотлар топшириғига асосан Паркент тумани ерларини боғдорчилик ва узумчилик учун фойдаланишга берилгандан сўнг, 2020 йилдан хозирги кунга қадар ушбу дон қабул қилиш шаҳобчасидан хақиқатдан фойдаланилмай келинаётганлигини, бунинг натижасида шаҳобчадаги мавжуд бино ва иншоатлар, техника ҳамда ускуналардан самарали фойдаланилмаётганлиги сабабли ортиқча электр энергия сарфи, солик тўловлари, иш ҳақи ва бошқа тўловлар юзага келаётганлигини хисобга олиб, Жамият балансидаги “Паркент” дон қабул қилиш шаҳобчасини белгиланган тартибда кимошди савдоларга чиқариб сотиш мақсадида уни баланс қолдиқ қийматини қоплаб бериш шарти билан Давактив агентлигига топшириш мақсадга мувофиқлигини билдириди.

Йиғилиш раиси юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 83-84-моддаларига асосан жамият балансидаги “Паркент” дон қабул қилиш шаҳобчасини белгиланган тартибда кимошди савдоларга чиқариб сотиш мақсадида уни баланс қолдиқ қийматини қоплаб бериш шарти билан Давлат активларини бошқариш агентлигига топшириш таклифини бериб овозга қўйди.

т/р	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
12	1 317 269 (100 фоиз)	йўқ	йўқ

Кун тартибидаги *ўн учунчи масала* юзасидан Умумий йиғилиш раиси И.Касимов Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик Жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тӯғрисида»ги Қонуннинг 79-моддаси саккизинчи қисмида белгиланган тартибга асосан 2024 йилдаги АЖ Бошқарув аъзоларининг фаолиятлари ҳақида қисқача ахборот берди. Бошқарув аъзолари Бошқарув раиси ўринбосари С.Абдукаримхўжаев ва бош ҳисобчи А.Эшмаматовлар ишдан бўшаганликларини эътиборга олиб уларни Бошқарув аъзолиги таркибидан чиқариб, уларнинг ўрнига Бошқарув раиси ўринбосари Н.Мадрахимов ва бош ҳисобчи А.Мейлиев номзодларини, Бошқарув раиси вазифасини бажарувчи Ш.Донаевни жамият Бошқарув раиси лавозимига 3 йил муддатга тасдиқлашни, қолган Бошқарув аъзолари билан тузилган меҳнат шартномаларини 1 йилга узайтириш таклифини бериб овозга қўйди:

т/р	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
13	1 317 269 (100 фоиз)	йўқ	йўқ

Умумий йиғилиш раиси кун тартибидаги *ўн тўртинчи масала* юзасидан “Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун жамият уставига мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан 3 (уч) йил муддатга тафтишчи сайланади” деб белгиланганлигини эътиборга олиб, жамиятда 2024 йил 25 июня бўлиб ўтган акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига асосан 3 йил муддатга (2024-2026 йиллар учун) жамият тафтишчиси этиб Умарова Фарида Декановна номзоди сайланганлигини, лекин Ф.Умарова 2025 йил 16 февралда тўсатдан оламдан ўтганлигини билдириб, ўрнига бошқа тафтишчи сайлаш лозимлигини маълум қилди.

Умумий йиғилиш раиси жамият акцияларининг 2,08 фоизига эгалик қилувчи акциядор Мухамедалиева Ханифа Сулейманжановнанинг 2025 йил 7 мартағи аризасига биноан 2025 йил учун жамият тафтишчиси лавозимига ўз номзодини киритиш ҳақидаги таклиfinи ўқиб эшилтирди. (Акциядор Мухамедалиева Ханифа Сулейманжановнанинг 2025 йил 7 мартағи аризаси илова қилинади. Илова №11).

Йиғилиш раиси Мухамедалиева Ханифа Сулейманжановнанинг 3 йил муддатга (2025-2027 йиллар учун) жамият тафтишчиси этиб сайлаш таклифини бериб овозга қўйди.

т/р	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
14	77 214 (5,9 фоиз)	1 240 055 (94,1)	йўқ

**Кун тартибидаги ўн бешинчи масала бўйича бош ҳисобчи А.Мейлиев жамиятда 2025 йил аудиторлик текшируви учун Ўзбекистон Республики Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги ПҚ-3953 сонли ва 2019 йил 5 декабрдаги ПҚ-4544 сонли Қарорларидан келиб чиқиб, жамият бошқарув органи томонидан танлов эълон қилиниб, танлов ғолиби жамиятда 2025 йил аудиторлик текшируви ((БХМС ва ХМХС) учун ёлланади ва аудиторнинг хизматига тўланадиган энг кўп хақ миқдори 28 000 000 сўмгача қилиб тасдиқлаш, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 59-моддасига асосан умумий йиғилиш ваколатига киритилганлиги сабабли тасдиқлашни таклиф берди.**

т/р	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
15	1 317 269 (100 фоиз)	йўқ	йўқ

Кун тартибидаги барча масалалар юзасидан саноқ комиссияси раиси овоз натижаларини ўқиб эшиттиргди. (Саноқ комиссиясининг 2025 йил 24 апрелдаги баённомаси илова қилинади. Илова №12).

Берилган таклиф ва қўшимчалар билан қарор лойихаси тасдиқлаш учун овозга қўйилди ва бир овоздан тасдиқланди.

Юқорида баён этилганларни ва овоз бериш натижаларини ҳисобга олган ҳолда акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши

### **ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:**

1. Умумий йиғилиш ишчи органи қуидаги таркибда тасдиқлансин:

Президиум аъзолари:

- 1). Жамият Кузатув кенгashi раиси – Касимов Илхом Хошимович;
- 2). Ижроия органи раҳбари – Донаев Шероли Бурханович;
- 3). Бош ҳисобчи – Мейлиев Акмал Норқўчқорович.

Умумий йиғилиш котибаси - Акромова Лобар Худайбергановна.

2. Саноқ комиссияси таркиби қуидагicha тасдиқлансин:

Саноқ комиссияси раиси – Гафурова Озода Акбаровна

Саноқ комиссияси аъзолари: Халниязова Гулшода Сатимбаевна;  
Мирзаходжаева Гулнора Шухратовна.

3. Умумий йиғилиш кун тартиби тасдиқлансин.

4. Умумий йиғилиш иш регламенти тасдиқлансин.

5. Жамият Бошқарувининг 2024 йил молиявий-хўжалик фаолияти ва Бизнес-режанинг бажарилиши бўйича ҳисботи 1-иловага мувофиқ ҳамда ишлаб

чиқариш бошлиғининг ҳисоботи 2 ва 3-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин ва қониқарли деб топилсин.

6.1. 2014 йил 9 октябрдаги 2383-сонли буйруғининг 2-иловаси асосида тўлдирилган жамиятнинг 2024 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботи 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6.2. Жамиятнинг 2024 йил якуни бўйича фойда ва зарар ҳисоб варағи тасдиқлансин.

6.3. Жамият 2024 йил якуни бўйича 13 107 058 минг сўм зарар билан чиққанлиги сабабли дивиденд тўланмасин.

7. Жамиятнинг 2024 йил молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш юзасидан жамият тафтиш комиссияси ҳulosаси 5-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

8. Жамиятнинг 2024 йил молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш юзасидан ташқи аудиторлик ташкилоти ((БХМС ва ХМХС) ҳulosаси 6-иловага мувофиқ ҳамда жамиятда харидлар жараёнининг шаффоғлиги, асослилиги, шу жумладан, маҳаллий маҳсулотларнинг сифат ва нарх бўйича белгиланган параметрларга мувофиқлигини ҳисобга олган ҳолда импорт харидларини, шунингдек валюта ресурсларидан самарали фойдаланилиши тўғрисидаги аудиторлик ташкилотининг ҳulosаси 7 ва 8-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

9. Жамиятда 2024 йил якуни бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустакил баҳолаш натижалари бўйича «Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси» АЖ томонидан 2024 йил 28 марта берилган ҳulosаси тасдиқлансин.

9.2. Корпоратив бошқарув тизими даражаси ўтказилган баҳолаш натижаларига кўра 401 бални, яъни қониқарли деб эътироф этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.(Илова № 9.)

10. Жамият Кузатув Кенгашининг 2024 йил фаолияти бўйича ҳисоботи маъқуллансин ва унинг фаолияти қониқарли деб топилсин. (Илова № 10.)

11. Жамиятнинг янги таҳрирдаги ташкилий тузилмаси 11 – иловага мувофиқ тасдиқлансин.

12.1. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2025 йил 5 марта 03/08-1-17/975-сонли хати маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

12.2. Жамият балансидаги “Паркент” дон қабул қилиш шаҳобчасини белгиланган тартибда кимошди савдоларига чиқарib сотиш мақсадида унинг баланс қолдик қийматини қоплаб бериш шарти билан Давлат активларини бошқариш агентлигига топширилсин.

13.1. Жамиятнинг Бошқаруви раиси вазифасини вақтинча бажарувчи Ш.Донаев Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги” қонунининг 79-моддаси 8-бандига ҳамда жамият Уставининг 12-моддаси 1-бандига асосан Жамият бошқарув раиси лавозимига 3 йил муддатга сайлансин.

13.2. Жамиятнинг Бошқарув аъзолиги таркибидан Бошқарув раиси ўринбосари С.Абдукаримхўжаев ва бош ҳисобчи А.Эшмаматовлар ишдан

бўшаганликларини эътиборга олиб уларни Бошқарув аъзолиги таркибидан чиқарилсин.

13.3. Жамият Бошқарув аъзолиги таркибига Бошқарув раиси ўринbosари лавозимиға Н.Мадраҳимов ва бош ҳисобчи лавозимиға А.Мейлиевларнинг номзодлари Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги” қонунининг 79-моддаси 8-бандига ҳамда жамият Уставининг 12-моддаси 1-бандига асосан 3 йил муддатга сайлансан.

13.4. Жамият Бошқарув аъзолари (Ишлаб чиқариш бошлиғи Х.Холбоев, бош энергетик В.Д.Смирнов) билан ёллаш тўғрисидаги меҳнат шартномалари 1 йил муддатга узайтирилсан. Шунингдек 2025 йил якуни бўйича жамиятда ўтказиладиган акциядорлар умумий йиғилишида барча Бошқарув органи аъзолари билан тузилган меҳнат шартномаларининг муддати кўриб чиқилсан.

14.1. Кун тартибидаги жамият тафтичисини сайлаш масаласи юзасидан энг кўп 1240055 дона, яъни умумий йиғилишда иштирок этаётган жами овоз берувчи акцияларнинг 94,1 фоизи қарши овоз берилғанлиги сабабли жамият тафтишчисининг фаолияти 2025 йил 24 апрелдан тугатилсан.

14.2. Жамият тафтишчисининг Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Конуннинг 107-моддасида келтирилган жамиятда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонунчиликнинг ва жамият ички хужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хulosани тайёрлаш, ҳамда бу бўйича ҳар чоракда жамият Кузатув кенгашига ва йил якуни бўйича акциядорлар умумий йиғилишида ҳисбот бериб бориш мажбуриятлари жамиятнинг ички аудиторлари зиммассига юклатилсан.

14.3. Жамият Уставидан тафтишчи, яъни 14.1 ва 14.2 бандларини чиқариб ташлаш бўйича тегишли ўзгартиришлар киритиш ва жамият Уставининг янги таҳририни тасдиқлаш масаласи жамиятда келгусида ўтказиладиган акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига киритилсан.

15. Жамият бошқарув органи томонидан танлов эълон қилиниб, танлов ғолиби жамиятда 2025 йил аудиторлик текшируви ((БХМС ва ХМХС) учун жамият аудитори сифатида эътироф этилсан (ёлланилсан) ва аудиторнинг хизматига тўланадиган энг кўп хақ миқдори 28 000 000 сўмгача қилиб тасдиқлансан.

Йиғилиш раиси

И.Касимов

Йиғилиш котибаси

Л.Х.Акромова

Баённома 2025 йил 2 маю да имзоланди.